



## ҲИЛОЛ АС-СОБИЙ - БУЮК ТАРИХЧИ

**Раматжонова Мухлиса Рихсибой қизи**

*Ўзбекистон халқаро*

*ислом академияси битирувчиси*

*тел: 97 342-94-25*

**Аннотация:** *Мақолада ислом тарихчиси Ҳилол ас-Собий ҳаёти ва унинг Аббосийлар даври сарой аҳлларига хос бўлган расм-русумлар ёритилган “Русум дар ал-хилафа” асари тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Саройдаги расм-русумлардан ҳам мисоллар келтирилган.*

**Калит сўзлар:** *Аббосийлар, собеийлик, астрономия, тилшунослик, тиббиёт, фалакиёт, халифа, ҳожиб, хутба.*

Дунёда кечаётган геосиёсий муаммолар ва унинг шиддатли тус олиши, Ғарб ва Шарқ давлатларининг асосий муаммоларига айланиб улгурди. Бунда ислом дининг асосий ўринга қўйилиши, ислом тарихини тўлиқ ўрганишга ундайди. Ислам тарихи соҳаси мутахассисидан илк даврдан то бугунги кунгача бўлган тарихини билиш талаб этилади. Аммо бу соҳани ўрганиш ҳозирги кунга қадар давом этмоқда, бу соҳада ўз ечимини топмаган масалалар жуда кўплигини тан олиш лозим.

Ҳозирги кунда тадқиқотчилар олдида турган шундай долзарб масалалардан бири бу - аббосийлар даврида сарой одоб-ахлоқ қоидаларини ўрганиш ҳисобланади. Чунки, хулафои роишидун, умавийлар даври сарой тартиблари ҳақида комплекс тадқиқот олиб борилмаган. Ҳилол Ас-Собийнинг “Русум дар ал-хилафа” асари аббосийлар даври сарой аҳлларига хос бўлган расм-русумлар мавзусига доир дурдона асарлардан бири ҳисобланади. Унинг бу асарини аббосийлар даври ахлоқ-одоб қоидаларига бағишланган ягона манба деб эътироф этсак янглишмаган бўламиз. Бу орқали Аббосийлар даврига оид қимматли маълумотларни олиш мумкин. Бу асар И. Б. Михайлов томонидан 1983-йилда араб тилидан рус тилига таржима қилинган. Шу ўринда Ҳилол ас-Собийнинг ҳаёт ва ижод йўлига тўхталиб ўтиш жоиз. Ҳилол ас-Собийнинг тўлиқ исми Абул Ҳусайн ибн Ал-Муҳассин ибн Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳилол ибн Заҳрун ас-Собий ал-Харрани. У 970 йил августда собеийлик динига мансуб оилада таваллуд топган. Унинг оиласидан жуда кўп давлат арбоблари етишиб чиққан. Ҳилол ас-Собийнинг ота томондан катта бобоси Абул Ҳусайн Ҳилол ибн Иброҳим ибн Заҳрун ўз даврида машҳур табиб бўлган. Бобоси Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳилол (925-994 й.) катта амалдорлардан ҳисобланган. Она томонидан катта бобоси Собит ибн Курру истеъдодли математик бўлиб танилган. Бундан ташқари астрономия, тилшунослик, тиббиёт билан шуғулланган. Она томонидан бобоси Синан ибн Собит (ваф. 952-953 й.) табиб ва



метеоролог саналган. Ҳилол ас-Собийнинг ота-боболари собеийликка эътиқод қилган, маълумки, собеийлар осмон жисмларига сиғинганлар. Демак, Ҳилол ас-Собийнинг аждодларининг асосий тадқиқот доираси фалакиёт фанлари билан боғлиқ бўлганлиги ҳам бежиз эмас.

Ҳилол ас-Собий бобоси - Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳилол томонидан тарбияланган. Унинг бобоси бувайҳийлар саройида амалдор бўлганлиги сабабли ҳам, ёшлигидан сарой ҳаёти билан яқиндан таниш бўлган. У 19 ёшида бувайҳий ҳукмдор Баха ад-Даулнинг (989-1012 й.) вазири Фахр ал-Мулкка котиб этиб тайинланди. Аммо Фахр ал-Мулк Баха ад-Даулдан сўнг тахтга келган Султон ад-Даул ғазабига учраб зиндонга ташланди ва тахминан 1016-1017-йилларда қатл этилди. Ҳилол ас-Собий Фахр ал-Мулкнинг ишончини қозонганлиги сабабли, 30 000 динор мерос қолдиради.

Ҳилол ас-Собий бутун умри давомида сарой амалдори бўлиб иш юритди. 44 ёшида ислом динини қабул қилди. Унга қисқача таъриф берадиган бўлсак, у обрўли сарой амалдори, истеъдодли тарихчи, назокатли стилист, адабиёт билимдони, моҳир тилшунос ҳисобланади. Ҳилол ас-Собий тарих, адабиёт, этика, сиёсат ва бошқа соҳаларга оид 10 та асар ёзган. Улардан 6 таси бизгача етиб келмаган.

Улар қуйидагилар: “Китоб ахбар-Бағдод”, “Китоб ар-Рисола”, “Китоб ас-Сияса”, “Китоб ал-Кутуб”, “Китоб масир аҳлиҳи”, “ал-Амасил вал-аян ва мунтадан ал-аватиф вал-аҳсан”. Унинг тўрт асари бизгача етиб келган. Улар “Вазирлар китоби”, “Тарихлар”, “Ғураф ал-балоға”, “Русум дар ал-хилафа” асарларидир.

Шу ўринда Аббосийлар саройи одоб-ахлоқ қоидаларига бағишланган “Русум дар ал-Хилафа” асари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу асар орқали Аббосийлар давридаги саройда ўрнатилган қоидаларни атрофлича ўрганиш мумкин. Жумладан, бу асар 20 бобдан иборат бўлиб, улардан баъзилари қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. “Сарой ахлоқ-одоб қоидалари”
2. “Ҳожиб хизмати қонунлари ва ахлоқ қоидалари”
3. “Халифанинг юриш қоидалари ва жараёни”
4. “Минбардан хутба”
5. “Халифа номидан хат ёзилиш қоидалари”
6. “Халифа қабули, халифанинг либоси, мулозимлар ва тантанада қатнашувчи бошқалар”.

Саройда мавжуд бўлган ҳар бир мансаб эгаси қандай хусусиятларга эга бўлиши лозимлиги тўғрисида ҳам етарлича маълумотлар берилган. Масалан, ҳожиб лавозими тўғрисида маълумот берсак, “Ҳожиб хизмати қонунлари ва ахлоқ қоидалари” бобида ёзилишича, ҳожиб лавозимида фаолият юритиш учун номзоднинг ёши 30 ва 50 ёш оралиғида бўлиши лозим. Тажрибали, вақтларда



синалган, оқил ва эҳтиёткор бўлиш ҳам ҳожибга қўйилган талаблардан ҳисобланган.

Мазкур асарда Аббосийлар саройида халифа қабулида бўлганда, қилиш мумкин бўлмаган ишлар тўғрисида ҳам маълумот берилган. Улар қуйидагилар:

1. Пичирлаб гаплашиш;
2. Бирор нарсани ўқиш;
3. Қўл ёки кўз ҳаракатлари орқали имо-ишора қилиш;
4. Ўзаро гаплашиш;

5. Қўлни ҳаракатлантириш, дам олиш учун ўзини ҳар томонга ташлаш ва ҳоказо.

Бундан кўришиб турибдики, бу даврда саройида этикет қоидалари асосий ўрин тутган. Ахлоқ-одоб қоидаларининг энг дақиқ жиҳатларига ҳам жуда катта аҳамият берилган.

Саройида аббосийлар сулоласи халифалари, амалдорлари ҳатто халифа ҳузурига келган одам ҳам қора либос кийиши лозим бўлган, чунки қора ранг сулоланинг расмий тан олинган ранги ҳисобланган. Аббосийлар байроғи ҳам қора рангда бўлганлиги фикримиз исботидир. Бундан кўришиб турибдики, аббосийлар саройида қандай рангли кийим кийиш ҳам эътиборга молик масалалардан бўлган. Бунга мисол қилиб қуйидаги воқеани келтириш ўринлидир. Бир куни Муҳаммад ибн Умар ибн Яҳё , Шараф ад-Даул , Нихрир , Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Саҳлан , Ибн ал-Ҳайят , Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Наср биргаликда саройга келишади. Муҳаммад ибн Умар ибн Яҳёдан бошқа ҳамма қора либосда эдилар. Унинг олдига ҳожиб - Мунис ал-Фадл чиқади ва унга қарата шундай дейди: “Сарой либоси қора, ким саройга киришни хоҳласа, қора либос кийсин”. Муҳаммад ибн Умар ибн Яҳё Умавийлар сулоласидан бўлганлиги сабабли шундай жавоб беради: “Ахир, оқ либос аجدодларимнинг либоси”. Ҳожиб: “Авваллари бундай ҳолат юз бермаган эди, ҳатто сенинг отанг Умар ибн Яҳё ҳам “савад асвад”да келган эди”. Муҳаммад ибн Умар ибн Яҳё ҳайратланиб у нималигини сўрайди. Ҳожиб: “Савад асвад” қорага бўялган либос, кийимнинг бўёғи унинг отасининг пешонасига тегиб қолганлигини ҳам таъкидлаб ўтади ва одатга кўра қора либосда келса, саройга киритишини айтади . Бу воқеадан ҳам кўришиб турибдики, аббосийлар саройида ранглар ҳам асосий аҳамият касб этган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, аббосийлар саройи қонун-қоидалари жуда кам ўрганилган мавзулар сирасига киради. Ҳилол ас-Собийнинг ушбу “Русум дар ал-Хилафа” асари эса бу тўғрида жуда муҳим маълумотлар берувчи манба ҳисобланади. Буни ўрганиш асносида юқорида келтириб ўтилган мисоллардан тортиб, саройдаги энг кичик масалаларни ҳам ўрганиш мумкин. Бу орқали аббосийлар сулоласининг, қолаверса шу даврда яшаган аҳолининг турмуш-тарзи, умуман, менталитети ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлинади. Бу даврдаги сарой ахлоқ қоидаларининг кейинги даврларга



таъсирини қиёсий таҳлил орқали аниқланади. Ҳозирга қадар сақланиб қолган баъзи расмий амалларнинг тарихий илдизлари қаерга бориб тақалишини янада теранроқ англаймиз.